

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОМОНОВ МАМАТҚОБИЛ ИСМОИЛОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАКЎЛ ҚЎЙЛАРИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШНИНГ
СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.02.01 - Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси. Қоракўлчилик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Омонов Маматқобил Исмоилович

Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-
генетик асосларини ишлаб чиқиш 3

Омонов Маматқобил Исмоилович

Разработка селекционно-генетических основ сохранения генофонда
каракульских овец Сурхандарьинского сура..... 29

Omonov Mamatqobil Ismoilovich

Development of breeding and genetic principles of conservation of the gene
pool of Karakul sheep of Surkhandarya sura 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ОМОНОВ МАМАТҚОБИЛ ИСМОИЛОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ СУР ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШНИНГ
СЕЛЕКЦИОН-ГЕНЕТИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**06.02.01 - Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси. Қорақўлчилик**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2019.4.DSc/B110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант

Арипов Ўктам Хаджимуратович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзибаев Нураддин Рахимович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Жабборов Абдурашит Райимович
биология фанлари доктори, профессор

Зокиров Исломжон Илхомжонович
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Самарқанд ветеринария медицинаси институти


Диссертация ҳимояси Зоология институти DSc.02/30.12.2019.В.52.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «29» апрель соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс: (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).


Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№ 38 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» апрель куни тарқатилди.
(2021 йил «14» апрелдаги 9- рақамли реестр баённомаси)




Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик


Ф.Д. Акрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби в.в.б., б.ф.д., профессор


А.Э. Кучбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда иқлим ўзгаришларининг кескинлашуви ва табиий ландшафтларнинг бузилиши қорақўл зотли ҳайвонлар хилма-хиллигини қисқаришига ва айрим зотларнинг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келмоқда. Айниқса, халқаро мўйна аукцион бозорларида тенгсиз саналган сур, кўк, қора ва оқ рангли қорақўл терилари етказиб берувчи кўй зотлари генофондини сақлаш борасида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Шу сабабли, қорақўл кўйларининг эволюцион келиб чиқиши асосида қимматбаҳо ва антиқа рангбарангликдаги кўйлар генофондининг ноёб популяциясини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда қорақўл зотли кўйларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, молекуляр-генетик усуллар ёрдамида қимматли ва ноёб зотлар генофондини сақлаш услубларни ишлаб чиқиш, кўйларнинг камёб ва йўқолиш арафасида турган зотларни асраб қолиш сабабларини аниқлаш, жаҳон мўйна бозор талабларидан келиб чиқиб, сур териларининг товарлик сифатларини яхшилаш ва такомиллаштириш, устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Республикамизда қорақўл зотли кўйларнинг хилма-хиллигини сақлаш ва жаҳон мўйна бозорига энг қимматбаҳо саноатбоп қорақўл тери етказиб беришга катта эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, қорақўл зотли кўйлар бош сони ва қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми янада оширилди, наслчилик ишлари илмий асосда такомиллаштирилди, наслчилик ва селекция ишлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати юзасидан даврий мониторинг ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...наслчиликни ривожлантириш, наслчиликда илмий-тадқиқот ишларини жорий этиш; чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш...» каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, турли рангбарангликдаги Сурхондарё зот типидagi сур қорақўл кўйлари жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича фарқланиш хусусиятларини очиб бериш, уларни жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ҳамда тавсифларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон “Қоракўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон “Қоракўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Дунё миқёсида камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, GEN Илмий тадқиқот Маркази ва Галле лабораторияси (Германия), Livestock Conservancy лабораторияси (АҚШ), Қоракўлчилар иттифоқи ва Зоотехника институти (Намибия), Қоракўлчилик илмий лабораторияси (Молдавия), Россия Умумий генетика институти (Россия), М.Ф.Иванов номли “Аскания-Нова” дашт районлари чорвачилиги илмий-тадқиқот институти (Украина), С.А.Ниязов номли қишлоқ хўжалиги университети (Туркменистон), Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти (Қозоғистон), Шириншоҳ Шотемур номли аграр университети (Тожикистон), Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Қоракўл зотли қўйларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, камайиб ва йўқолиб кетаётган қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари зотлари генофондини сақлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: молекуляр-генетик усулда қўйларда турли хил ДНК маркеридан фойдаланиб, қимматли ва ноёб зотлар генофондини сақлаш услублари ишлаб чиқилган (Умумий генетика институти, Россия); уй ҳайвон зотлари генофондини сақлаш ва уларнинг камайиб кетиш сабаблари очиқ берилган (GEN Илмий-тадқиқот Маркази ва Галле лабораторияси, Германия); ҳайвон зотлари генофондини сақлаш усуллари ишлаб чиқилган ва йўқолиш арафасида турган зотларни асраб қолиш сабаблари аниқланган (Livestock Conservancy лабораторияси, АҚШ); қоракўл қўчқорларини маҳаллий қўйлар билан жуфтлаш натижасида селекцион-наслчилик услублари ишлаб чиқилган (Қоракўлчилар Иттифоқи,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. www.vigg.ru, <http://www.g-e-h.de/index.htm>, <http://www.albc-usa.org/>, <https://uz.m.wikipedia.org>, <https://visualrian.ru.media>, www.Ovcevod.ru, <http://kazniizhik.kz/>, <https://asiaplustj.info.economic> ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил қилинган.

Намибия); қорақўл қўйларини серпушт романов зотли қўйлар билан жуфтлашда ҳар 100 бошга 150–160 бош қўзи берувчи серпушт қорақўл қўйлари яратилган (М.Ф.Иванов номли “Аскания-Нова” илмий-тадқиқот институти, Украина); янги экологик урчитиш ҳудудларида қорақўл зотли қўйларда наслчиликнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти, Қозоғистон).

Дунёда мўйна бозор талабларидан келиб чиқиб, сур териларининг товарлик сифатларини яхшилаш ва қорақўл зотли қўйларнинг хилма-хиллиги ва уни сақлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: қорақўл қўйларининг келиб чиқиш эволюциясини асослаш, конституционал - маҳсулдорлигини ошириш, қорақўл терилари ранг ва гул шакллариининг наслдан-наслга ўтиш хусусиятларини очиб бериш, қўйларни урчитиш ва селекциялашнинг самарали усуллариини яратиш, турли хил экологик ҳудудлар шароитида озиклантириш хусусиятларини аниқлаш, генофондни сақлаш бўйича ишлаб чиқилган замонавий усулларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақўл зотли қўйларнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги, хўжалик учун қимматли кўрсаткичлари ҳамда ҳайвонлар генофондини сақлаш ва камайиб кетиш сабаблари МДХнинг йирик олимлари А.С.Серебровский (1928), Н.С.Гигинейшвили (1954), В.М.Юдин (1963), У.Сагдуллаев (1963), Б.Н.Васин (1971), А.А.Рахимов (1973), М.А.Кошевой (1975), В.И.Стояновская (1975), И.Н.Дьячков (1980), А.И.Ерохин (1981), Д.К.Беляев (1987), И.Г.Моисеева (1992), А.Ибрагимов (2000), Ю.П.Алтухов (2004), С.Р.Базаров (2004), М.И.Селионнова (2004), В.А.Тайшин (2004), Ю.А.Столповский (2009), С.Ю.Юсупов (2010), Н.А.Бобоқулов (2011), Р.У.Турганбаев (2012), И.А.Паронян (2016), М.Ш.Исмаилов (2018) ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Марказий Осиё миқёсидаги қорақўлчилик соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили В.Жилиякова (1981), У.Валиев (1980), К.Ахмедов (1986), К.Мухамедғалиев (1986), А.Ахмедшиев (1989), Х.Укбаев (2008), А.Омбаев (2008) ва бошқалар қорақўл қўйларнинг генофонди, маҳсулдорлиги ва халқ хўжалиги билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратган.

Ўзбекистонда Сурхондарё сур қорақўлчилиги бўйича Н.С.Гигинейшвили (1954, 1970), А.С.Мурадов (1984), У.Х.Арипов (1992) тадқиқотлар олиб борган. Муаллифлар Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг рангбаранглиги, урчитиш усуллари, ўсиши ва ривожланиши, жун маҳсулдорлиги бўйича ижобий натижаларга эришган.

Бирок, мазкур тадқиқот ишлари жаҳон мўйна бозорларида доврўғи кенг ёйилган Сурхондарё сур қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш ва узоқ йиллар давомида селекция йўли билан яратилган ноёб ва антиқа сур қўйлар авлодини сақлаб қолиш имконини бермайди.

Шунга кўра, Сурхондарё сур қўйлар генофондини сақлаш, тиклаш, кўпайтириш, ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур қорақўл терилари сифатини тубдан яхшилаш пировардида хўжаликда наслчилик-селекция усуллариини

ишлаб чиқиш ва уни тизимли йўлга қўйиш Ўзбекистон қорақўлчилиги тармоғини ривожлантиришда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ҚХА–8-059-2015 “Сурхондарё сури қорақўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2015-2017).

Тадқиқот мақсади Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлар бўйича генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлари бўйича сурланиш даражаси, рангнинг ўтиш кескинлиги ва ранг текислигини асослаш;

турли сур рангбарангликдаги қўзилар жун толасида меланин миқдорини ва унинг хусусиятларини аниқлаш;

сур рангбарангликдаги қорақўл қўйларининг морфологик ва биологик хусусиятларини аниқлаш;

сур рангбарангликдаги қорақўл қўйлари қонининг биокимёвий кўрсаткичлари (ферментлар, минерал моддалар ва бошқалар)ни аниқлаш;

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликлар бўйича гомоген ва гетероген жуфтлаш вариантларида сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ва тавсифларини асослаш;

сур рангбарангликдаги қорақўл қўйлар жун толасининг морфологик кўрсаткичлари ва тери гистологик тузилишини аниқлаш;

наслга қолдирилган сур қорақўл қўзилар ўсиши ва ривожланиши, экстеръери ва маҳсулдорлигини таҳлил этиш ҳамда барра тери сифати ва қорақўл териларининг товар хусусиятларини баҳолаш;

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари генофондини сақлаш, ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликларни тиклаш ва кўпайтириш ҳамда маҳсулдорлигини оширишда қўлланилган селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё зот типига мансуб сур қорақўл қўй ва наслдор қўчқорлар, ўстиришга қолдирилган қорақўл қўзилар, қорақўл териси, қон ва жун намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли рангбарангликдаги сур қорақўл қўй ва наслдор қўчқорлар маҳсулдорлиги, морфологик ва биологик кўрсаткичлари, жун тола қопламларининг хусусиятлари, қорақўл терилар товар сифати, жун маҳсулдорлиги, ўсиш ва ривожланиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумбиологик, зоотехник, биометрик, статистик ва аналитик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қорақўл зотли қўйларнинг зот структураси асосида генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш баробарида, Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўзилар терисида сурланиш даражаси ва бир текислиги, ипаксимонлиги ва ялтироқчилиги ҳамда сур териларининг товарлик сифатини жаҳон мўйна бозори талаблари асосида яхшилаш ва такомиллаштиришнинг янги илмий ва амалий селекцион-генетик усуллари яратилган;

турли рангбарангликдаги Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича маҳсулдорлик сифатидаги фарқланиш хусусиятлари аниқланган;

турли ранг ва зот типли сур рангбарангликдаги қорақўл қўйлари қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар (фермент, калий ва бошқалар) миқдори ва унинг сурланиш ҳамда ҳаётчанлигига боғлиқлиги аниқланган;

Сурхондарё сур қорақўл қўйларда ҳайвонларни турли жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси ва уларнинг тавсифлари аниқланган;

илк бор Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг эволюцион келиб чиқиши асосида улар генофондининг ноёб популяциясини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтиришнинг тизимли селекцион-генетик усуллари юзасидан амалий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг мавжуд рангбаранглигини комплекс ўрганиш асосида уларнинг асосий селекцион-генетик белгилари, ҳайвонларни танлаш кўрсаткичлари ҳамда баҳолаш мезонлари аниқланган;

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқилган;

камайиб ва йўқолиб бораётган Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг қимматли биологик маҳсулдорлигини тиклаш мақсадида уларнинг жун қопламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича маҳсулдорлик сифатидаги фарқланиш хусусиятлари, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа. сур рангбарангликларни такомиллаштириш, қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар миқдорининг тери сифати ҳамда ҳаётчанлигига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндошувлар, таҳлиллар асосида олинган натижалар назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, маълумотлар замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014; statistical Paskadefor Sokial Scince) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижалар ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг генофондини сақлаш ва тиклаш мақсадида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари қорақўлчиликда илк марта юқори маҳсулдорлик даражасига мансуб ноёб ва антиқа рангбарангликдаги сур қорақўл қўйлар генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти- нафақат қорақўлчиликда, балки барча турдаги чорва моллар генофондини сақлаш ва тиклашда селекцион-наслчилик ишларини олиб боришнинг кенг қамровлилиги ва самарадорлигини оширишда, қолаверса юқори маҳсулдор ирсий мустаҳкамланган чорва моллари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда улар генофондини сақлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурчиликка ихтисослашган қорақўл қўй отарларида ноёб ва антиқа, қимматбаҳо бронза, платина, янтарь, антрацит рангбарангликдаги сур қорақўл қўйлар генофондини сақлаб қолиш, тиклаш ва кўпайтириш, сур қорақўл терилари сифатини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган амалий-услугий тавсиялар Қумқўрғон туманидаги “Боботоғ сури қорақўлчилик” МЧЖ, “Алимардон Ғанишер”, “Аллаберди Темурбек”, “Хўшбоқ Ориф” ва “Эломон Хумоюн” қорақўлчилик фермер хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Республика “Қорақўлчилик” уюшмасининг 2019 йил 24 декабрдаги 39/01–232-сон маълумотномаси). Натижада, қайд этилган хўжаликларда рентабеллик 20–35 % га ошган ва элита навли тери сифатини 35–65 % га яхшиланиш имконини берган;

сур рангбарангликлар сифатини яхшилашнинг комплекс селекцион-генетик усуллари Сурхондарё вилояти “Қорақўлчилик” уюшмасида амалиётга жорий қилинган (Республика “Қорақўлчилик” уюшмасининг 2019 йил 24 декабрдаги 39/01-232-сон маълумотномаси). Натижада, қорақўл қўйларнинг сур рангбарангликларини тиклаш ва кўпайтириш ҳамда сур қорақўл терилари сифатини яхшиланиш имконини берган;

Сурхондарё зот типдаги ноёб ва антиқа, қимматбаҳо рангбарангликдаги сур қорақўл қўйлари генофондини сақлаш бўйича ишлаб чиқилган амалий-услугий тавсиялар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 25 декабрдаги 02/23-615-сон маълумотномаси). Натижада, республика қорақўлчилик хўжаликларида юқори маҳсулдор қорақўл қўйларининг генофондини сақлаш, тиклаш ва бош сонини кўпайтириш ҳамда тармоқни янада ривожлантириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий ишлар нашр этилган. Шулардан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 та Республика ва 3 та хорижий журналларида нашр этилган. Шунингдек, 2 та услубий қўлланма, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар, диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қоракўл зотли қўйларнинг келиб чиқиши, тарқалиши, биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги”** деб номланган биринчи бобида қоракўл зотли қўйларнинг келиб чиқиши, қоракўлчиликнинг ривожланиш истиқболлари ва бугунги ҳолати, генофонд ва уни сақлаш усуллари, қоракўл қўйлари урчитиладиган ҳудуд яйлов-иқлим шароитлари, хўжалик тавсифи ва дастлабки наслчилик-селекция ишлари, қоракўл қўйларининг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлиги, Сурхондарё сур қўйлар табиати ва рангбарангликлари тавсифи ёритилган. Тегишли адабиётлар таҳлили асосида тадқиқотлар олиб борган муаллифларнинг илмий манбалари келтирилган.

Мазкур тадқиқот ишида Ўзбекистонда илк бор қоракўл зотли қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш ва тиклашнинг селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқишга қаратилганлиги илмий асослар билан ёритилган.

Тадқиқотлар жараёнида камайиб ва йўқолиб бораётган Сурхондарё сур қўйларининг қимматли биологик маҳсулдорлигини тиклаш мақсадида уларнинг жун қоламлари тузилиши, ўсиши ва морфо-биологик кўрсаткичлари бўйича фарқланиш хусусиятлари, жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда ноёб ва антиқа сур рангбарангликларнинг ирсийланиш даражаси, қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар (фермент, калий ва бошқа) ва уларнинг сурланиш ҳамда ҳаётчанлик билан боғлиқлиги, тери гистоморфологик тузилишини ўрганишга қаратилган.

Диссертациянинг “Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик асосларини ўрганиш услублари ва материаллари” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар 2005–2019 йиллар давомида Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Боботоғ сури қоракўлчилик» МЧЖда бажарилганлиги, тадқиқот схемаси, тадқиқотларда қўлланилган усул ва услублар баён этилган.

Мазкур бобда ферментларнинг биологик аҳамияти, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва қон таркибидаги калий концентрацияси, цитогенетик таҳлил ва тери гистологик кўрсаткичларини аниқлаш методикаси, қоракўл қўзилар териси сифатини баҳолаш усуллари баён этилган. Шунингдек, Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш ва ноёб сур рангбарангликларни тиклашда наслчилик-селекция ишларининг зоотехникавий методикаси, Сурхондарё сурининг яратилиш эволюцион схемаси ва сур қўиларни саралаш тузилмаси келтирилган.

Тадқиқотларда қоракўл қўйлари қон таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлари қуйидаги методларда аниқланди.

Дастлаб калий концентрациясини аниқлаш мақсадида яйлов шароитида турли ранг ва рангбарангликдаги тажриба отари қоракўл қўиларининг бўйин вена қон томиридан иккита пробиркага қон намуналари олиниб, биринчи пробиркадаги қон гепарин билан консервацияланди, иккинчиси эса қон зардоби олиш мақсадида сув ҳаммомига солиниб 35–36⁰ ҳароратда инкубацияланди. Инкубация қилинганидан сўнг зардоб тоза пробиркага солиниб, муз солинган совуткичга жойлаштирилди.

Олинган қон намуналаридаги калий концентрациясини Цейс-Йена–III моделидаги оловли фотометрда гальванометр кўрсаткичи бўйича интерполировкалаш усулида аниқланди. Қон намунаси таҳлил натижалари Н.С.Полуэктов (1967) усули бўйича ҳисобланди.

О-дифенолоксидазанинг ферментатив фаоллиги тажриба ҳайвонлари қон зардобидан М.Т. Таранов (1954), арилэстераза ферментининг фаоллиги Е.М. Tucker, Y. Suzuki, С. Stormont (1967) методикаси бўйича аниқланди.

Пероксидаза ферментининг фаоллигини аниқлашда субстрат сифатида 0,02% пирагаллол ишлатилди. Буфер эритмаси арилэстеразадаги каби (фосфатли рН=7,4), пробиркага 4,7 мл. буфер эритмаси, 0,2 мл. субстрат аралашмаси ва 0,1 мл. қон зардоби солинган ҳолда аниқланди.

Тирозин-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги тажриба қоракўл қўиларининг сийдигидан намуна олиниб Е.Ф.Давиденкова, И.С. Либерман (1975) методикаси бўйича аниқланди.

Цитогенетик таҳлил жараёнида тажрибадаги қора ва сур рангли қоракўл қўйлари суяк културасидан фойдаланилди. Намуна қўиларнинг кўкрак суягидан пункция қилиш йўли билан ИПЖ-I русумли игнасида фойдалананиб умуртқадан суяқлик олинди ва 3–4 томчи совутилган шиша идишга томизилиб эритма Гимза бўёғида бўялди.

Тажриба ҳайвонлари хромосомаларини таҳлил қилишда хромосомалар сони инобатга олинди. Цитогенетик таҳлиллар жараёнида ОРТИКА В-190 ва МВИ-15 русумли микроскоплардан фойдаланилди.

Терининг гистологик кўрсаткичларини аниқлашда тажриба отаридаги турли ранг ва рангбарангликдаги янги туғилган (1–2 кун) қорақўл кўзиларнинг энг қимматли сағри қисмидан биопсия усулида тери намуналари олинди. Биопсия фиксацияси ва гистологик кесмалар тайёрлаш ҳамда уларни тавсифлаш РФ ФА А.А.Северцев номидаги Ҳайвонлар морфологияси институти томонидан ишлаб чиқилган (Меркурьева, 1970). методикаси бўйича бажарилди. Унга кўра тери ва унинг (эпидермал, пиляр, ретикуляр) қатламлари қалинлиги, фолликулалар (бирламчи, иккиламчи, бошланғич) зичлиги ва 1мм² тери юзасида фолликулалар умумий миқдори аниқланди.

Тажриба отарларидаги сур кўзилар териси сифати “Қорақўлчиликда наслчилик ишларини юритиш ва кўзиларни баҳолаш” (бонитировка қилиш) бўйича қўлланмага асосан баҳоланди (2015).

Экстерьер кўрсаткичларини аниқлашда ҳайвонларнинг тирик вазни тарози, тана ўлчамлари лента, металл линейка, махсус циркул ва таёқчалардан фойдаланилди.

Тажриба ва лаборатория тадқиқотлари натижалари вариацион статистика услубларда қайта ишланди. Маълумотлар замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014; statistical Paskadefor Sokial Scince) статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг ”**Турли ранг ва рангбарангликдаги қорақўл кўйларининг биологик хусусиятларини баҳолаш**” деб номланган учинчи боби 2 бўлимдан иборат:

интерьер характердаги биологик хусусиятлари бўлимида: Турли рангли қорақўл кўйлар қон таркибидаги калий миқдори, қондаги биокимёвий кўрсаткичлар ва унинг ёшига қараб ўзгариши, ферментлар фаоллигининг намоён бўлишида зот ичида хусусиятлари, ферментлар фаоллигининг ирсийланиши, биокимёвий кўрсаткичлар ва унинг маҳсулдорликка боғлиқлиги, терининг гистоморфологик тузилиши ва унинг хусусиятлари, тери ва қаватлари қалинлиги, хромосомаларнинг цитогенетик таҳлиллари ёритилган;

экстерьер характердаги биологик хусусиятлари бўлимида: Қорақўл кўйларининг гавда тузилиш индекслари, қорақўл терилари жун толасининг узунлиги, сурланиш даражаси, рангбарангликларнинг ифодаланиши ва ранг текислиги, гул типлари ва навлиги, гул ўлчамлари ва гулларнинг расмли жойлашув шакллари, жун толасининг ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, Сурхондарё сур қорақўл кўйлар рангбарангликларининг ирсийланиши, қорақўл териларининг товарлик хусусиятлари, қорақўл кўйлар жун маҳсулдорлиги келтирилган.

Маълумки, калий организмнинг ички муҳит биологик жараёнларида иштирок этиб, сув алмашинуви ва кислота-ишқорий мувозанатини таъминлаш баробарида, осмотик босимнинг меъёр даражасини муқобиллаш ва ферментатив жараёнлар кечишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ушбу жараёнларнинг доимийлиги ички ва ташқи суяқликларда катион ва анионларнинг доимий нисбатини маълум бир концентрациялар ёрдамида таъминлайди.

Айниқса, организмда углеводлар алмашинувида калийнинг ўрни катта. Хужайраларда глюкоген ҳосил бўлиш вақтида, қон плазмасида ва интерстициал суюқликда калийнинг миқдори камайиб, шу билан бирга унинг хужайрадаги миқдори ортиб боради. Бундан ташқари, аниқланишича, организмни калий билан етарли миқдорда таъминламасдан туриб матрицали РНКда оксил молекулаларини тузиб бўлмайди.

Калий концентрацияси даражаси ҳайвонларнинг экстеримал яшаш шароитлари адаптацияси билан боғлиқ бўлиб, қўйлар пуштдорлигида муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизда ранги ва келиб чиқиши турлича бўлган қорақўл қўйлар қони таркибида калийнинг концентрациясини ўрганиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1 жадвал

Қорақўл қўйлар қони таркибида калийнинг паст ва юқори даражаси бўйича аллеллар тақсимланиши ва частотаси

Ранг ва рангбаранглик	Сони (бош)	НК - тип		ЛК - тип		Аллел частотаси	
		n	M±m	n	M±m	K ^h	K ^L
Қора	104	77	148,5±2,57	27	59,5±3,72	0,872	0,128
Сур Бухоро зот тип	82	58	161,9±2,78	24	63,5±2,97	0,883	0,117
Сур Сурхондарё зот тип	122	89	131,0±1,71	33	64,3±2,11	0,815	0,185
Хаммаси	308	224	147,1±2,35	84	62,4±2,93	0,856	0,144

Тадқиқот олиб борилган 308 бош ҳайвонларнинг қон таркибида калий миқдори аниқланганда 224 бошида (73,0 %) юқорилиги, 84 бошида (27,0 %) паст даражада эканлиги ҳамда рецессив аллел частотаси қўйлар танламасида K^h-0,815– 0,883 бўлса, доминант аллелники эса K^L-0,117– 0,185 ни ташкил этган.

Таққосланаётган ҳайвонлар гуруҳларининг қони таркибида калийнинг турли даражаларда тақсимланиши ҳайвонлар рецессив гени K^h частотаси ҳар хиллиги кузатилди. Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари аллелининг учраш частотасини 100 деб олсак, қора рангли қўйларда бу кўрсаткич 107,0 % бўлса, Бухоро зот типли сур қўйларда 108,3 % ни ташкил этган. Орадаги фарқ статистик жиҳатдан ишончлилик (P<0,001).

Турли ёшдаги ўсиш жараёнида моддалар алмашинуви ҳар хил интенсивликда содир бўлиши биокимёвий кўрсаткичларнинг даражасини ўзгартиради. Тадқиқотларда қон таркибидаги ферментлар фаоллиги ҳайвонларнинг ёши, ранги ва келиб чиқишига боғлиқлигини ўрганиш натижалари 2 жадвалда келтирилган.

**Қоракўл кўзилари қон зардобда ферментлар фаоллигининг
ёшга қараб ўзгариши, (ш.б.)**

Ёши	Ранги	Со ни (бо ш)	Перок- сидаза	Тирозин- амино- транс- фераза	О- дифенол- оксидаза	Арил- эстерфаза
5-7 кун	Қора	18	0,108±0,000 8	0,167±0,011	4,014±0,36	0,509±0,030
	Сурхондарё сури	18	0,063±0,003	0,125±0,007	2,69±0,12	0,411±0,027
	Бухоро сури	18	0,092±0,002	0,140±0,012	3,64±0,36	0,439±0,020
2,0- 2,5 ой	Қора	17	0,208±0,006	0,350±0,028	3,69±0,21	0,473±0,030
	Сурхондарё сури	16	0,179±0,07	0,327±0,018	3,33±0,11	0,500±0,031
	Бухоро сури	15	0,198±0,003	0,508±0,024	3,63±0,15	0,576±0,020
4,0- 4,5 ой	Қора	17	0,243±0,009	0,421±0,027	3,11±0,21	0,548±0,020
	Сурхондарё сури	16	0,271±0,008	0,475±0,011	3,41±0,18	0,526±0,020
	Бухоро сури	15	0,217±0,008	0,565±0,036	3,24±0,19	0,535±0,010
18- 18,5 ой	Қора	13	0,740±0,060	0,430±0,027	5,20±0,60	0,325±0,024
	Сурхондарё сури	14	0,780±0,080	0,500±0,040	2,80±0,20	0,270±0,020
	Бухоро сури	13	0,460±0,014	0,480±0,050	3,00±0,19	0,300±0,025

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳайвонлар қони таркибида пероксидаза фаоллиги улар ёши ўзгариши билан ошиб бораган ($P<0,05$), шу билан бирга 0-дифенолоксидаза ферментининг ёшга қараб ўзгаришида сезиларли фарқланишлар кузатилди.

Тадқиқотларда ферментлар фаоллиги бўйича фарқланишлар асосан янги туғилган кўзиларда кузатилган, яъни паратипик омиллар ҳайвонларнинг ранги ва келиб чиқишига кам таъсир этган бир вақтда 0-дифенолоксидаза ва бошқа ферментларнинг фаоллиги ранги ва келиб чиқишига бевосита боғлиқ бўлганлиги билан таъкидланади.

Сурхондарё зот типли сур қоракўл кўзиларининг қон таркибида тирозин-аминотрансфераза ферменти фаоллигини 100% деб олсак, бу кўрсаткич қора рангли кўзиларда 33,6%, Бухоро зот типли сур кўзиларда 12,0% ни ташкил этган. Бошқа ёш даврларида ранги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда ушбу ферментнинг фаоллигида сезиларли фарқланишлар кузатилмаган.

Шунингдек, пероксидаза ва 0-дифенолоксидаза ферментлари фаоллиги бўйича тесқари ҳолат кузатилган. Қора рангли кўзилар бошқа гуруҳлардаги ўз тенгқурларига нисбатан катта ишончли ($P<0,05$) фаолликка эга бўлганлиги, қолган ёш даврларида бу белгилар бўйича ранги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда фарқлар деярлик катта эмаслиги аниқланди.

Тадқиқотларда тажриба ҳайвонлари қон зардобидаги ферментларнинг фаоллигида зот ичида маълум ўхшашлик ва фарқланишлар мавжудлиги аниқланди, натижалар 3 жадвалда келтирилган.

3 жадвал

Тажрибадаги ҳайвонларнинг қон зардобидаги ферментлар фаоллигининг зот ичида ўзгарувчанлиги

Ранг ва ранг-баранглик	Сони (бош)	Пероксидаза (ш.б.)	Аспартат-амино-трансфераза (Мк.Моль)	0-дифенол-оксидаза (ш.б.)	Тирозин-амино-трансфераза (ш.б.)
Бронза	48	0,250±0,027	83,35±3,41	12,04±0,99	0,496±0,047
Янтарь	52	0,270±0,018	87,33±2,99	8,50±0,84	0,565±0,036
Платина	48	0,265±0,016	95,59±3,52	7,93±0,87	0,346±0,012
Қора	57	0,360±0,017	103,17± 2,41	7,71±0,40	0,167±0,011

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари қон зардобида 0-дифенолоксидаза ферментининг энг юқори фаоллиги бронза сур рангбарангликда 12,04 ш.б. кузатилган бўлса, янтарь сурда 8,50 ш.б. ва платина сурида бу кўрсаткич 7,93 ш.б. яъни тенгқурлари орасида энг кам миқдорни ташкил этганлиги кузатилади.

Қорақўл қўйлар қонидаги пероксидаза ферментининг фаоллиги қора рангли қўйларда юқорилиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич бошқа гуруҳдаги ўз тенгқурларидан платина сур қора рангли қўйларда 7,9% га, тирозин-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги рангдор қўйларда қора ранглиларга нисбатан 2–3 баравар устунликка эгаллиги аниқланди.

Аспартат-аминотрансфераза ферментининг фаоллиги зот ичидаги аниқ фарқланиш кузатилиб, энг юқори фаоллик қора рангли қўйларга хослиги ҳамда тирозин-аминотрансфераза фаоллиги Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларнинг барча сур рангбарангликларида аниқланиб, қора рангли тенгқурлардан 4,7–28,1% га устинлиги кузатилди ($P < 0,01$).

Пероксидаза ферменти юқори фаоллиги қора рангли қўйларда кузатилиб, бошқа гуруҳдаги ўз тенгқурларини 7,1–10,2 % га ортда қолдирган.

Тирозин-аминотрансфераза ферментининг энг юқори фаоллиги рангдор вариацияли қўйларда аниқланиб, қора рангли тенгқурларидан ишончли ($P < 0,001$) миқдорда устунлик қилиб, 0-дифенолоксидаза ферментининг юқори ўзгарувчанлик даражасига эгаллиги аниқланди.

Қорақўл қўйлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари билан ҳаётчанлиги ва айрим хўжалик-фойдали белгилари ўртасида маълум бир боғлиқликлар мавжудлиги ўрганилди, тадқиқот натижалар 4 жадвалда келтирилган.

**Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари қон таркибидаги
биокимёвий кўрсаткичларнинг ҳаётчанлиги ва айрим хўжалик-фойдали
белгиларига корреляцияси**

Корреляцияланувчи белгилар	Сони (бош)	Корреляция коэффициенти	P
Арилэстераза-ҳаётчанлигига	38	-0,70	0,001
Пероксидаза-ҳаётчанлигига	38	0,31	0,010
Тирозин-аминотрансфераза-ҳаётчанлигига	38	0,72	0,001
0-дифенолоксидаза-ҳаётчанлигига	38	0,20	0,100
Аспартат-аминотрансфераза-жун маҳсулдорлигига	30	0,23	0,100
Аспартат-аминотрансфераза-тирик вазнига	30	0,37	0,010
Арилэстераза-тирик вазнига	25	-0,89	0,001
Пероксидаза-тирик вазнига	25	0,53	0,001
0-дифенолоксидаза-тирик вазнига	25	0,26	0,100
Арилэстераза-жун тола узунлигига	25	0,39	0,050
Пероксидаза-жун тола узунлигига	25	0,62	0,001
0-дифенолоксидаза-жун тола узунлигига	25	0,52	0,001
Арилэстераза-тери қалинлигига	25	0,73	0,001
Пероксидаза-тери қалинлигига	25	0,83	0,001
0-дифенолоксидаза-тери қалинлигига	25	0,14	0,100

Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйлари тирик вазни бўйича корреляцияси ($C=0,89$) билан, арилэстераза фаоллиги ва жун тола узунлиги корреляцияси ($C=0,39$) билан, 0-дифенолоксида фаоллиги ўртасида корреляциялар ($C=0,52$) билан ифодаланганлиги яққол кузатилди.

Бундай боғлиқлик қорақўл қўйлариининг ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигини баҳолашда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу белгиларни эрта башоратлаш имконини беради.

Қорақўл қўйлар қонининг биокимёвий таркиби ўрганилган элита баҳоланган наслдор кўчқорлар наслининг айрим барра тери ва тирик вазн кўрсаткичлари таҳлилидан маълум бўлишича, тажрибадаги кўчқорлар тери сифати, ранги ва ёши бир хил бўлишига қарамадан, улар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари турличалиги аниқланди. Тадқиқот натижалари 5 жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларига кўра, жун толасининг сифати ва пигментацияси, наслида элита навли кўзилар салмоғи бўйича бирка рақами 2999 ва 2643 бўлган кўчқорлар ўз тенгқурларидан устунлик қилганлиги, бу ўз навбатида уларнинг қон таркибидаги 0-дифенолоксидаза ферменти фаоллиги энг юқори бўлганлиги билан ва улар наслида қора пигментацияли кўзилар 77,7–90,9% ни ташкил этди.

**Қон таркибининг биокимёвий кўрсаткичлари маълум наслдор
кўчқорлар наслининг тери сифат хусусиятлари**

Элита кўчқор- лар сирға рақами	Кўчқорлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари					Кўзиларнинг барра тери сифат хусусиятлари				элита кўзи- лар, (%)
						Жун-тола сифати (%)		Пигмента- цияси (%)		
	Д	П	Т	А	Э	аъл о	яхши	Интен сив қора	қор а	
2110	0,145	0,350	0,170	56,3	0,473	27,2	63,6	20,0	80,0	18,9
2701	0,132	0,280	0,300	60,5	0,510	75,0	25,0	50,0	50,0	75,0
3568	0,128	0,345	0,210	46,6	0,730	46,2	53,8	50,0	50,0	42,9
0268	0,105	0,370	0,195	38,7	0,490	22,7	65,0	42,9	57,1	36,4
6836	0,115	0,300	0,320	41,0	0,380	54,5	45,5	54,5	45,5	41,0
2999	0,162	0,220	0,310	48,7	0,390	47,1	52,9	77,7	22,3	41,2
2797	0,151	0,351	0,180	52,0	0,680	43,4	56,6	63,6	36,4	50,0
2643	0,170	0,235	0,360	53,8	0,593	58,2	41,8	90,9	9,1	53,3
Ўртача	0,138 ±0,007	0,306 ±0,02	0,25 ±0,02	49,7 ±2,54	0,530 ±0,19	46,8	5,05	56,2	43,8	44,8

Изоҳ: Д- 0-дифенолоксидаза; П-пероксидаза; Т-триозин-аминотрансфераза
А-аспартат-аминотрансфераза; Э-арилэстраза

Энг юқори элита навли кўзилар салмоғи бирка рақами 2643 ва 2701 бўлган наслдор кўчқорлар наслида кузатилиб (53,3–75,0%), улар қон зардобида аспартат-аминотрансфераза ферменти фаоллиги юқори даражада бўлганлиги билан изоҳланади.

Қоракўл кўйлари тери қаватларининг алоҳида кўрсаткичлари ўзгарувчанлик коэффициенти сифатида отарларнинг генетик структураси ва бир хиллик белгиси бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотларда қора рангли кўзилар териси ўртача қалин бўлиши, ретикуляр қавати нисбатан яхши ривожланганлиги, бронза ва антрацит сур кўзилар платина ва янтарь сурлари ўз тенгқурларига нисбатан яхши ривожланган пилляр қавати ва терининг умумий қалинлигига эга бўлганлиги аниқланди.

Генотипик келиб чиқиши турлича бўлган қоракўл кўзилари бир биридан тери қалинлиги ва уларнинг алоҳида қаватлари қалинлиги жиҳатидан фарқланиши 6 жадвалда келтирилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳайвонлар гуруҳларида эпидермал, пилляр ва ретикуляр қаватларининг турли даражада ривожланиши тавсифланиб, ретикуляр қатлам тери қалинлиги қора рангли кўзиларда 775,4 мкм., сур

рангбаранглик бўйича қалин кўрсаткич антрацит рангбарангликда 714,9 мкм., энг юпқа қатлам янтар сурда 490,0 мкм. эканлиги таққосланди.

6 жадвал

Турли ранг ва рангбарангликдаги қорақўл кўзилари териси ва қаватлари қалинлиги, (мкм.)

Тери қавати M±m	Ранг ва рангбарангликлар				
	Қора	Сурхондарё сур типли			
		Платина	Янтарь	Бронза	Антрацит
Эпидермал	20,2±0,6 0,3	24,9±1,1 1,2	22,5±1,2 1,2	23,7±0,9 1,0	19,7±0,7 0,9
Пиляр	1596,2±104,2 66,7	1559,6±52,0 73,6	1430,0±68,9 73,6	1764,2±41,7 76,7	1478,8±80,4 66,8
Ретикуляр	775,4±60,8 32,7	546,6±27,9 25,2	490,0±29,4 25,2	512,6±24,3 22,3	714,9±42,7 32,3
Умумий %	2391,8±134,6 100	2119,4±70,0 100	1942,5±91,8 100	2300,5±25,0 100	2213,4±104,0 100
Пилярнинг ретикуляр-га нисбати	2,0	2,8	2,9	3,4	2,1

Аниқланишича, бронза ва янтарь сур рангбарангликлари ўртасида фарқланишлар мавжуд ($P<0,01$), бошқа рангбарангликлар бўйича фарқланишлар ишончли эмас, аммо улар нисбатан ривожланган ретикуляр қаватга (32,7–32,3%) эга. Пиляр қаватнинг ретикуляр қаватга бўлган ўзаро нисбат индекси, терининг ривожланиш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиш эҳтимоли мавжуд.

Қорақўл кўзилар терисида гулларнинг шаклланишида тери тузилиши, фолликулалари ривожланиши, ўлчами, жойлашиш чуқурлиги ва 1 мм² тери юзасидаги тиғизлиги катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизда қора рангли ва Сурхондарё зот типли турли рангбарангликдаги сур қорақўл кўзилари терисининг 1 мм² тери юзасидаги фолликулалар миқдори ўрганилди.

Қорақўл кўзилари териси қалинлиги, иккиламчи эмбрионал фолликулаларнинг бирламчи фолликулаларга нисбати бўйича фарқлар 7 жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларида қора рангли кўзилар терисининг 1 мм² юзасидаги фолликулалар миқдори 52,7 бўлса, бу кўрсаткич антрацит сур кўзилар терисида 69,1 ёки 16,4% га устинликка эгаллиги, шунингдек, платина сур кўзилар тери фолликулаларининг умумий қалинлиги ва иккиламчи эмбрионал фолликулаларининг бирламчи фолликулаларга нисбати бўйича сезиларли фарқланишга эгаллиги яққол намаён бўлган. ($P<0,05$)

Шуниси эътиборлики, қора рангли қорақўл кўзилар терисининг 1мм² юзасида бошқа гуруҳдаги тенгқурларига нисбатан эмбрионал фолликулалар 4,5–5,5 марта камлиги кузатилган.

**Турли ранг ва рангбарангликдаги қоракўл кўзилар терисининг
1 мм² юзасида фолликулалар миқдори**

Фолликулалар (M±m)	Ранг ва рангбаранглик				
	Қора рангли	Сурхондарё зот типли сур кўзилар			
		Платина	Янтарь	Бронза	Антрацит
1 мм ² да фолликулалар (%)	52,7±3,5 100,0	62,5±1,8 100,0	53,4±1,5 100,0	62,9±1,5 100,0	69,1±3,2 100,0
Шундан: Бирламчи фолликула (БФ)	20,1±2,6 38,1	27,9±1,7 44,6	15,7±1,1 29,4	26,8±2,5 42,8	26,4±2,1 38,2
Иккиламчи фолликула (ИФ)	29,4±6,7 55,8	21,5±1,9 34,4	21,8±1,6 40,8	20,6±1,5 32,9	25,4±3,2 36,7
Эмбрионал фолликула (ЭФ)	3,2±0,6 6,1	13,1±1,9 21,0	15,9±1,9 29,8	15,5±3,1 24,3	17,3±5,6 25,1
ИФ+ЭФ/БФ нисбати	1,6	1,2	2,4	1,3	1,6

Шу боис, турли ранг ва рангбарангликдаги ҳамда келиб чиқишини ҳисобга олмасдан фенотиби бўйича у ёки бу барра тери типига мансуб кўзилар терисининг гистоструктурасини ўрганиш қоракўл кўйлар популяциясидаги генетик структураси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Қоракўл кўйларида хромосомалар аномалиялари уларда эрта ўлими ва паст ҳаётчанлигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Шу боис, турли генетик гуруҳлардаги қоракўл кўйларининг цитогенетик тавсифларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларда турли рангдаги қоракўл кўйлари хромосомалари сони ва морфологик гуруҳлари таркибини ўрганиш тахлилий натижалари 8 жадвалда келтирилган.

Қора ва сур рангли қоракўл кўйлари кариотипининг таркиби

Гуруҳ	Ранги	Ҳисобга олинган хайвон- лар (бош)	Кариотип таркиби				
			Хромосома - ларнинг диплоид сони	Эли вка лар сон и	Хромосомаларнинг морфологик гуруҳлари		
					Мета- центри к	Акро- центри к	Жинсий хромо- сомалар
I	Қора	6	54	60	6	48	xx
II	Сур	6	54	60	6	48	xx

Жадвал маълумотларига кўра, сур ва қора рангли кўйлари меъёр даражасида хромосомалар тўпламига эга бўлганлиги кузатилади. Қоракўл кўйларида хромосомаларнинг диплоид сони 54 тага тенг, шундан 3 жуфт йирик метацентрик ва 24 жуфт акроцентрик хромосомалардан, шу жумладан бир жуфт жинсий хромосомалар (XX, XY)дан иборат.

Қўйларда акроцентрик хромосомалар ўз ўлчамлари бўйича босқичма-босқич камайиб борувчи каторни ҳосил қилиб, уларда энг йириклари ХХ-урғочи жинсий хромосомалар ҳисобланади. Хромосомаларнинг асосий миқдори, яъни хромосом эливалар сони тур меъёрида ($NF=60$) ифодаланади. Шундай қилиб, тадқиқот ўтказилган барча қўйларда хромосомалар сони ва уларнинг морфологияси билан боғлиқ бўлган кариотипининг кескин аномалиялари кузатилмаган.

Шунингдек, тажрибадаги ёш молларда бошқа турдаги ҳайвонлар, шу жумладан йирик шохли молларда кенг тарқалган химеризм аномалияси, яъни бир вақтнинг ўзида кроверт органларда оқ қон ҳужайраларининг шаклли элементлари эркак ва урғочи хромосомалар тўпламларида учрамади.

Таъкидлаш жоизки, тадқиқотларимиз давомида ўрганилган ҳайвонларда ҳужайраларнинг бир қисмида хромосомалар тўпламида турли аномалиялар кузатилиши аниқланди. (9 жадвал)

9 жадвал

Қора ва сур рангли ҳайвонлар ҳужайраларининг хромосомалар тўпламида спонтан бузилишларнинг частотаси (фоиз), ($M \pm m$)

Ранг ва ранг-баранглик	Анеуплодия			Тузилиш абберациялари	Полиплоидия	Ўзгарган ҳужайраларнинг умумий сони
	Гипоплоидия	Гиперплоидия	жами			
Сур	11,85±1,96	1,85±0,80	13,70±2,10	2,90±1,00	0,33±0,10	17,00±2,30
Қора	6,67±2,00	1,33±0,90	8,00±2,20	0	0,50±0,20	8,50±2,20
Фарқ	5,18±2,82	0,50±1,20	5,70±3,00	2,9±1,00	0,14±0,20	8,50±3,20

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, ҳар иккала рангдаги ҳайвонларда хромосома тўпланининг асосий бузилиш типини анеуплоидия бўлиб, полиплоидлар кўринишида, яъни хромосомалар бир қисмини йўқотган ҳужайралар кўринишида бўлиши намоён бўлади.

Гиперплоидия, яъни қўшимча хромосомалари бўлган ҳужайралар гипоплоидияга қараганда ҳайвонларда 54 марта кам учрайди. Анеуплоидларнинг умумий сони ва сур рангли ҳайвонларда иккала типнинг ҳам кўтарилиш тенденцияси аниқланган.

Ҳайвонларда полиплоид ҳужайралар жуда кам бўлиб, турли ранглар кесимида ишончли фарқланишларга эга бўлмаган. Полиплоид ҳужайралар тетраплоидлар (жуфт диплоид тўплами) ҳамда юқори даражадаги полидлик кўринишида намоён бўлган. Аммо, ушбу аномалиянинг учраш частотаси жуда пастлиги туфайли полиплоидия структурасининг статистик таҳлилинини ўтказиш имкони мавжуд эмас.

Тадқиқот таҳлилларининг кўрсатишича, кариотип аномалияларининг бошқа типини хромосомалар бутунлигининг бузилиши билан боғлиқ, яъни қоракўл қўйларида хроматид узилишлар кўринишида намоён бўлган

структуравий аномалиялардир. Ушбу аномалияларнинг сур рангли кўйларда учраш частотасининг 2,90% ни ташкил этганлиги аниқланди.

Таққосланаётган хайвонлар орасида бу кўрсаткич бўйича фарқланишлар ишончли бўлган ($P < 0,05$), ўзгарган хужайраларнинг умумий частотаси бўйича ҳам ишончли фарқланишлар аниқланган. ($P < 0,05$)

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари сур рангли қорақўл кўйларини кариотиби стабил эмаслигини кўрсатади. Эҳтимол, бу хайвонларнинг суяк илигининг хужайралари ташқи муҳит агентларининг таъсирига чидамсизлигидир, лекин шуни ҳам эътибордан четлаштирмаслик керакки, хромосом ўзгарувчанликнинг даражаси маълум даражада хайвонларнинг ҳаётчанлигини акс эттиради.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, бир қатор тадқиқотларда чала туғилган ёки бўғозлик даврида ўсишдан қолган хайвонларда спонтан аномалиялар даражаси юқорилиги қайд этилган.

Олинган маълумотлар қорақўлчиликда цитогенетик тадқиқотларни давом эттириш заруратини туғдиради. Хайвонларнинг хромосом аномалиялари частотаси бўйича аниқланган индивидуал фарқланишлар бунга асос бўлиб хизмат қилади.

Маълум бўлишича, иккала гуруҳлардаги хайвонлар анеуплоидия частотаси 0 дан 20 фоизгача, полиплоидиялар частотаси 0 дан 1 фоизгача, структуравий аномалиялар частотаси эса 0 дан 10 фоизгача тебранишга эга, ушбу белгилар бўйича танлаш ва гуруҳлаш ишларини олиб бориш мумкин.

Бу эса ўз навбатида селекцион жараёнда катта аҳамиятга эга, чунки бир қатор тадқиқотларда кўрсатилганидек, хромосом аномалияларнинг частотаси хайвонларнинг қайта урчиш сифатларини тавсифлайди.

Тадқиқотларимиз таҳлиллари шуни кўрсатдики, Сурхондарё зот типли сур қорақўл кўйларининг интерьер кўрсаткичлари (қон таркибидаги калий миқдори, ферментлар фаоллиги, қорақўл тери гистоморфологик тузилиши, тери қаватлари ва қатлами, хромосомалар цитогенетикаси ва бошқа)ни ўрганиш орқали мақбул танлаш ва баҳолаш келгусида насл сифати, маҳсулдорлиги, ҳаётчанлиги ва ноёб сур рангбарангликларни тиклаш ҳамда юқори маҳсулдор соф зотли қорақўл кўйлари генофондини кўпайтириш имкониятини яратди.

Маълумки, сур қорақўл терилари сифатини асосан рангбарангликлар ифодаланиши ва ранг текислиги белгилайди. Тадқиқотларимизда турли рангбарангликдаги Сурхондарё зот типли сур кўзилар терисида рангбарангликлар ифодаланиши ва ранг текислигини ўрганиш натижалари келтирилган (10 жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, сур кўзиларда туғилган вақти ва 5-6 кунлигида териларида ранг ифодаланиши ва текислиги бўйича фарқланишлар кузатилади. Платина сур кўзиларда ранг ифодаланиши юқори устунликда учраши, яъни ранг ифодаланишининг аъло тоифаси 30,9–33,7% ни ташкил этган. Улар орасида янтарь ва анрацит сурларга қараганда, ўз ўрнида 3,0% ва 9,6%, бронза сурида рангнинг аъло даражада ифодаланиши 7,1% га юқори бўлганлиги аниқланди.

**Сурхондарё зот типли сур қоракўл кўзилар терисида
рангбарангликлар ифодаланиши ва ранг текислиги, %**

Рангбаранг-лик	Сони (бош)	Рангбаранглик ифодаланиши			Ранг текислиги		
		аъло	яхши	ёмон	аъло	яхши	нотекис
Туғилган вақтида							
Платина	20	30,9	63,6	5,5	29,0	60,9	10,1
Янтарь	20	27,9	64,3	7,8	27,9	63,6	8,5
Бронза	20	23,8	70,0	6,2	25,0	65,0	10,0
Антрацит	20	21,3	68,1	10,6	21,2	71,2	7,6
5–6 кунлигида							
Платина	20	33,7	64,5	1,8	28,2	60,9	10,9
Янтарь	20	31,0	65,9	3,1	27,1	63,6	9,3
Бронза	20	27,5	71,3	1,2	25,0	63,6	11,2
Антрацит	20	24,2	72,2	3,0	21,2	69,7	9,1

Мақсадга мувофиқ типли сур қоракўл кўзилар салмоғи рангбарангликлар кесимида (аъло ва яхши) платина сурда 98,2%, янтарда 96,9%, бронзада 98,9% ва антрацитда 94,6% ни ташкил этган. Сур кўзилар орасида ранг текислиги нотекис тоифали сур кўзилар кўпроқ платина сурида 10,1%, янтарда 8,5%, бронзада 10,0% да учраган.

Хулоса ўрнида, сур қоракўл кўзилар терисида рангбарангликлар ифодаланиши 5-6 кунлигида янада кучайиши, аммо ранг текислигида кескин фарқланишлар кузатилмади.

Тадқиқотларда турли рангбарангликдаги сур қоракўл кўзилар териларида гул типларининг ўзига хослиги 11жадвалда келтирилган.

**Турли рангбарангликли Сурхондарё зот типли сур кўзилар
териларида гул типлари ва ифодаланиши %, (M±m)**

Рангбаранг-ликлар	Кўзилар сони (бош)	Яримдоира	Қовурғасимон	Ясси	Ўсикгул
Платина	20	67,3±4,1	4,5±0,9	12,7±2,6	15,5±2,7
Қаҳрабо	20	65,9±3,2	6,2±1,2	15,5±3,0	12,4±2,5
Бронза	20	61,3±2,7	11,3±2,0	18,7±3,4	8,7±1,9
Антрацит	20	46,9±1,5	6,1±1,1	31,8±4,3	15,2±2,7

Сур рангбарангликлар (платина, янтарь, бронза ва антрацит) асосий қисми-яримдоира қаламгулга эга эканлиги аниқланди. Платина сур кўзиларида яримдоира қаламгул 67,3% ни, барча рангбарангликдаги кўзиларда ўсикгул салмоғи 8,7–15,5% ни ташкил этган. Қовурғасимон ва ясси гул типли сур кўзилар салмоғи платина сурида 17,2% ни, антрацит сурида

яримдоира қаламгул типининг камайиши ҳисобига 20,4% га юқори бўлганлиги аниқланди.

Қоракўл қўйларини гул типлари бўйича классификациялашда комплекс белгилар асос қилиниб, қаламгулларнинг шакли ва типи билан гул ўлчамлари қоракўл терилари сифатини белгилайди. Тадқиқотларда турли рангбарангликдаги сур қўзилар терисида қимматли гул типлари гул ўлчамларига (эни ва узунлиги) боғлиқлиги ўрганилди.

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўзилар териларида барча гул типлари доирасида ўртагуллилик ўзига хослиги яққол намоён бўлган. Нисбатан кенг (йирик) гулларга ясси гул типидagi қўзилар рангбарангликлар кесимида платина сурида 10,1мм., янтарда 9,8 мм., бронзада 10,0 мм., ўсикгул типидa ва жуда кам миқдорда яримдоира қаламгул типи бўйича платина сурида 8,9 мм., янтарда 8,7 мм., бронзада 9,2 мм., антрацит суридаги қўзилар орасида нисбатан кенг гуллар ясси гул типидa 9,7 мм. ўлчамдалиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларини сур рангбарангликлар бўйича гомоген жуфтлаштириш улар наслида ноёб ва антиқа сур рангбарангликларнинг янада мустаҳкамланиб бориш аниқланиб, тахлиллари 12 жадвалда келтирилди.

12 жадвал

Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларини гомоген жуфтлашда сур рангбарангликларнинг наслдан-наслга берилиши хусусиятлари, %

Жуфтлаш варианты	Ҳисобга олинган қўзилар	Сур қўзилар тери рангбаранглиги, %				
		платина	янтарь	бронза	антрацит	бошқалар
Пл. х Пл.	40	71,6	7,9	7,5	10,0	3,0
Ян. х Ян.	40	14,1	68,5	4,7	12,4	0,3
Бр. х Бр.	40	10,9	13,7	71,5	2,6	1,3
Ан. х Ан.	40	-	3,6	-	92,1	4,3

Изоҳ: Пл. - платина, Ян. - янтарь, Бр. - бронза, Ан. - антрацит.

Жадвал маълумотларидан таъкидланадики, платина сур қўчқорлар билан платина сур совлиқлар гомоген жуфтлаштирилганда наслида платина сур қўзилар 71,6% ва 28,4% бошқа сур, янтарь билан янтарь сур қўйларни жуфтлаштирилганда янтарь сур 68,5% ва 31,5% бошқа сур, бронза билан бронза вариантида бронза сур-71,5% ва 28,5% бошқа сур, антрацит сур қўйлар гомоген жуфтлаштирганида антрацит сур - 92,1% ва 7,9% - бошқа сур қўзилар олинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Сурхондарё зот типли сур қоракўл қўйларни гомоген жуфтлаштириш ота-она жуфтларининг сур рангбарангликлари наслдан-наслга турли даражаларда ўтади ва наслида мустаҳкамланиши баробарида, унинг ирсийланиш коэффицентини янада оширади.

Бу ўз навбатида камайиб ва йўқолиш бораётган ноёб ва антика, қимматбаҳо сур рангбарангликларни тиклашда муҳим аҳамият касб этиши билан бир қаторда, юқори маҳсулдор сур қўйлар генофондини кўпайтиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг **“Сурхондарё сур қўйларига мансуб ноёб ва қимматли рангбарангликдаги қўйлар генофонд сақлаш ва коллекцион отарлар ташкил этишда селекция-генетик усуллар”** деб номланган тўртинчи бобида Қумқўрғон тумани “Боботоғ сури қоракўлчилик” МЧЖда Сурхондарё сур қоракўл қўйлар генофондини сақлаш ва коллекцион отарлар ташкил этишда селекция-генетик усуллари баён қилинган.

Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг долзарблигидан келиб чиқиб, ноёб ва антика рангбарангликдаги (бронза, янтарь, платина, антрацит) сур қўйларнинг морфологик, биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик сифатлари ўрганилиб, “Боботоғ сури қоракўлчилик” МЧЖ хўжалигида (бош чўпон М.Аширов ва Б.Жўраев) қимматли сур қўйлар генофондининг қўриқхона типигаги коллекционер сур қўйлар отарлари ташкил этилди.

Илк бор “Боботоғ сури қоракўлчилик” МЧЖ хўжалигида ноёб ва антика рангбарангликдаги сур қўйлар генофондини сақлаб қолишнинг селекция-генетик тизимини ишлаб чиқиш амалиётдан ўтди. Бу борада Сурхондарё сур қоракўл қўйларига мансуб сур совлиқлар ва насли қўчқорларнинг гениологик структураси асосида танлаш ва жуфтлаш усуллари тизимли ва мақсадли йўлга қўйилди.

Такидлаш жоизки, ноёб ва антика рангбарангликли Сурхондарё сур қоракўл қўйларининг генофондини сақлаш ва уларнинг генетик хилма-хилликни қўллаб қувватлашдан келиб чиқиб, генофонд отарларда йўналтирилган танлаш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги, яъни ҳайвонлар (популяциялар) генетик структурасининг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Шу боис, ноёб ва антика сур рангбарангликлар берувчи сур қоракўл қўйлар генофондини сақлаб қолиш учун қўзилар терисида ранг ифодаланиши ва кескинлиги бўйича сур ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларига тўлиқ жавоб берадиган стабилловчи танлашни ротацияли жуфтлаш билан уйғунликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг **“Турли хил жун қопламлари тузилишидаги наслдор қўчқорлар наслининг маҳсулдорлиги”** деб номланган бешинчи бобида қўзилар тирик вазни, экстерьерери, тери хусусиятлари ва сифати, жун-толаси узунлиги, ипаксимонлиги ва ялтироқлиги, тери гул ўлчамлари, терилар навлик таркиби ва сифатида бир хиллик, жун маҳсулдорлиги баён қилинган.

Тадқиқотларда сур қоракўл қўйларининг хўжалик учун қимматлилиги ва биологик хусусиятлари, қоракўл терилари гул типларининг жун конституция типларига боғлиқлиги ҳамда мустаҳкам конституцияли қўзилар доминантлиги кузатилди.

Сур қоракўл қўйлар жун қопламлари бир хиллиги, узунлиги ва дағаллиги уларнинг жун конституционал типлари тавсифини ифодалайди.

Жун қопламлари бир хил, яъни 3/3 нисбатли сур қўйлар мустаҳкам, нотекис 1/3- қўпол ва 2/3- нозик конституция типига хослиги аниқланди.

Тадқиқотларимизда сур қоракўл қўзилар териларида жун толалари ипаксимонлиги ва ялтироқлиги улар ота-оналарининг жун қопламлари тузилиши ва сифатига боғлиқлиги кузатилди.

Жун қопламлар тузилиши 3/3 нисбатли қоракўл қўйлари наслининг териларида ипаксимонлик ва ялтироқлик 79% ва 76%, ушбу кўрсаткич 2/3 нисбатлилар насли 72,9% ва 69%, 2/3 нисбатли наслида 65,6% и 61% ташкил этди.

Шундай қилиб, ота-оналарида жун қоплами тузилиши ва сифати бир хил, яъни 3/3 нисбатли қўйлардан юқори сифатли сур қоракўл терилари етиштириш имконини яратади.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган олтинчи бобида Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтириш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишининг иқтисодий самарадорлиги **“Боботоғ сури қоракўлчилик”** МЧЖ хўжалиги рентабеллиги бўйича аниқланиб, платина сур рентабеллиги 40,3%, антрацит сур 31,3%, янтарь сур 16,9% ва бронза сур 5,8% ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

“Сурхондарё сур қоракўл қўйлари генофондини сақлашнинг селекцион-генетик асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сурхондарё сур қоракўл қўйлари бугунги кунга қадар ноёб ва чиройли, жозибадор ва оригинал ҳисобланган платина, бронза, янтарь ва антрацит сур рангбарангликли қоракўл терилари етиштириб бериши билан нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларида ўз бренди билан машҳур ҳисобланиб, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда миллатимизнинг моддий ва маънавий бойлиги сифати изоҳланади.

2. Сурхондарё сури тизимли равишда **“яхши х яхши”** тарзда жуфтлаш адаптив таъсир этувчи, мақсадли селекция қилинаётган сифат белгиларининг аста-секин кейинги авлодларда ирсийланиб бориши, яъни давомли ўзгарувчанлик қонуниятлари асосида гомоген жуфтлаш йўли билан йиллар давомида селекция-наслчилик ишлари туфайли яратилганлиги мамлакатимиз қоракўлчилиги тарихида истикболли ноёб ва антиқа сур қўйлари сифатида диққатга сазовор.

3. Сурхондарё сур қоракўл қўйлари ўзига хос биологик хусусиятларига эгаллиги, юқори ва сифатли маҳсулдорлиги, ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур рангбарангликли қоракўл терилари етиштириши, ҳаётчанлиги, чўл, чала чўл ва қуруқ дашт, тоғ ва тоғ олди ҳудудлари яйловларида йил бўйи боқишга азалий мослашганлиги ҳамда Сурхон воҳаси ҳудудининг кескин континентал об-ҳаво иқлим шароитига мослашганлиги билан тавсифланди.

4. Тадқиқотларимиз давомида Сурхондарё сур қорақўл қўйларини гомоген жуфтлаш, яъни давомли ўзгарувчанлик қонуниятига асосланган ҳолда ота-она белгиларининг ирсийланишидан келиб чиқиб, “платина х платина” сур рангбарангликни жуфтлаш вариантыда платина - 71,6%, “янтарь х янтарь” вариантыда янтарь сур - 68,5%, “бронза х бронза” вариантыда бронза сур - 71,5%, “антрацит х антрацит” вариантыда - 92,1% антрацит сур рангбарангликли қўзилар олинди. Шу асосда ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур рангбарангли қорақўл қўйларини сақлаш, тиклаш ва такомиллаштириш имкониятлари аниқланди.

5. Тадқиқотлар олиб борилган “Боботоғ сури қорақўлчилик” МЧЖга қарашли 2–3 сонли ферма отарларида эволюцион келиб чиқишига кўра, юқори маҳсулдорликли кучли табақаланган Сурхондарё сур қўйлари линия ва оиласига мансуб наслдор қўчқорлар танланиб, уларнинг сурланиш даражаси, қон таркибидаги биокимёвий (фермент, калий ва бошқа) кўрсаткичлари, тери гистологик тузилиши, цитогенетик хусусиятлари ўрганилиб, таҳлилий тест натижалари бўйича юқори баҳоланган элита навли наслдор қўчқорлар мақбул сур совлиқлар билан гомоген жуфтлаштириш орқали камайиб ва йўқолиб бораётган ноёб ва антиқа сур рангбарангликдаги Сурхондарё сур қорақўл қўйлари генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришнинг самарали селекцион-генетик усуллари ишлаб чиқилди.

6. Сурхондарё сур қўйлари қони таркибида калий микдорини ўрганиш таҳлилларига кўра, қонда калийнинг меъёрда бўлиши, совлиқларнинг ўз вақтида куйикка келиши ва уларни белгиланган муддатда қочириш имкониятлари яратилиши баробарида, ноқулай об-ҳаво иқлим шароити, сувсизлик ва турли касалликларга чидамлилигини ошириш ҳамда сур қўйлар генофондини сақлаш, тиклаш ва кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эгаллиги аниқланди.

7. Сурхондарё зот типидagi сур қорақўл қонида калий микдорининг паст ва юқори даражаси бўйича аллеллар тақсимланиши ва частотаси ўрганилганида:

тадқиқот ўтказилган 308 бош қўйларнинг 224 бошида (72,9%) юқори, 84 бошида (27,1%) паст даражада эканлиги аниқланди;

рецессив аллел частотаси тадқиқот олиб борилган қўйлар танламасида Харди-Вайнберг формуласи бўйича ҳисобланиб, $K^h-0,815-0,883$, доминант аллелники эса $K^L-0,117-0,185$ ни ташкил этди.

8. Сурхондарё зот типли сур қўйларининг ноёб ва антиқа, қимматбаҳо сур рангбарангликлар бўйича қимматли генотипининг биологик параметрлари бўйича баҳолаш имкониятлари яратилди:

меланогенезга жавоб берувчи О-дифенолоксидаза, оксил алмашинувига жавоб берувчи тирозин ва аспартат-аминотрансфераза, оксидланиш ва қайта тикланиш жараёнини кафолатловчи пероксидаза ферментларининг фаоллиги бўйича қўйларнинг ферментатив статуси аниқланди.

Унга кўра, қўйларнинг ранг ва рангбаранглиги маълум даражада тери-жун қоплами тузилиши таъсири остида Сурхондарё зот типли сур қорақўл қўйларининг туғилгандаги тирозин-аминотрансферазанинг фаоллигини 100%

деб белгиланган ҳолда, бу кўрсаткич қора рангли тенгқурларида 33,6%, Бухоро зот типигаги сур кўйларда 12,0% ни ташкил этди.

9. Наслдор элита навли сур кўчқорлар авлодларининг ранги ва ёши бир хил бўлишига қарамасдан, улар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари турличалиги, яъни кўчқорлар қон зардобадаги 0-дифенолоксидаза фаоллигининг ўзгарувчанлиги 16,4%, пероксидаза 19,6%, тирозин-аминотрансфераза 27,3%, аспартат-аминотрансфераза 15,0%, арил-эстераза 24,0% гача эканлиги аниқланди.

10. Сурхондарё зот типли сур қорақўл кўйлари рангбарангликлар намоён бўлишида табиий биологик жараён сифатида жун толасининг рангсизланиш даражасига боғлиқлиги аниқланди, бу кўрсаткич бронза сур рангбаранглигида 3/10 ва 4/10, платина сурида 3/10 ва 4/10, антрацит сурида 3/10 ва 4/10 нисбатларда бўлиши мақбул вариантлар эканлиги ҳисобланди.

11. Тадқиқотлар олиб борилган тажриба отарларидан олинган сур қорақўл кўзилар териларининг биологик маҳсулдорлик сифат кўрсаткичлари ўрганилганида:

гул белгилари ва жун қоламаниннг сифати элита ва I навли кўзилар салмоғида платина сурида 66,3%, янтар сурида 60,5%, бронза сурида 63,7%, антрацит сурида 58,4% ни;

тери қалинлиги бўйича сур қорақўл териларнинг гул типлари ва навига боғлиқлигидаги фарқланишлари I навли юқори салмоғи янтарь сурида 82,2%, платина сурида 77,7%, бронза сурида 73,3% ва антрацит сурида 68,8% ни ташкил этди.

12. Тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлиги “Боботоғ сури қорақўлчилик” МЧЖ хўжалигининг рентабеллиги бўйича аниқланиб, платина сури рентабеллиги - 40,3%, антрацит сури- 31,3%, янтарь сури - 16,9%, бронза сурида- 5,8% ни ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.02/30.12.2019.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ КАРАКУЛЕВОДСТВА И
ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

ОМОНОВ МАМАТҚОБИЛ ИСМОИЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СЕЛЕКЦИОННО-ГЕНЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ СОХРАНЕНИЯ
ГЕНОФОНДА КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ СУРХАНДАРЬИНСКОГО СУРА**

**06.02.01-Разведение, селекция, воспроизводство, генетика сельскохозяйственных
животных. Каракулеводство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ (DSc)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.DSc/B110.

Диссертация выполнена в научно-исследовательском Институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	Арипов Уктам Хаджимуратович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Рузибаев Нураддин Рахимович доктор сельскохозяйственных наук Жабборов Абдурашит Райимович доктор биологических наук, профессор Зокиров Исломжон Илхомжонович доктор биологических наук
Ведущая организация:	Самаркандский институт ветеринарной медицины

Защита диссертации состоится «29» апреля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Разового научного совета на основе Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.52.01 при Институте зоологии (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232 б. Актовый зал Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрирована за № 38). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232 б, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «14» апреля 2021 года
(реестр Протокола рассылки № 9 от «14» апреля 2021 года)




Д.А. Азимов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор, академик


Ф.Д. Акрамова
Вр.и.о. Ученого секретаря Научного
совета по присуждению учёных степеней,
д.б.н., профессор


А.Э. Кучбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день изменение климата в мире и нарушение природного ландшафта привели к сокращению разнообразности и полному исчезновению некоторых пород каракульских овец. Особенно, это важно по сохранению генофонда породных каракульских овец, где продуцируют черные, серые, сур и другие окраски каракульских шкурок, считающиеся ценным сырьем на международных пушных аукционах. На основе эволюционного происхождения каракульских овец сохранение воспроизводства, разведение популяции редких и оригинальных расцветок овец имеет важное значение.

В мире большое внимание уделяется определению разнообразия овец каракульских пород, сохранению генофонда исчезающих пород сельскохозяйственных животных уделяется пристальное внимание. Исходя из требований меховых рынков в мире разработаны методы по сохранению генофонда ценных и редких пород, которые находятся на грани исчезновения. И здесь, посредством молекулярно-генетических методов, необходимо улучшать и совершенствовать товарное качество сур каракульских шкурок.

В республике большое внимание уделяется сохранению разнообразия овец каракульских пород, поставке ценного меха на мировые рынки, отвечающих требованиям промышленности. В частности, повысился объём производства продукции каракулеводства и количества поголовья овец каракульской породы. На научной основе усовершенствованы работы по племенному делу, налажена работа по периодическому мониторингу производства качественной продукции и проведения общественного контроля. В этой связи, в нашей стране в целях сохранения, восстановления и улучшения качества шкурок Сурхандарьинского сура разработаны селекционно-генетические методы, которые широко внедрены в каракулеводческих хозяйствах. Это имеет важное научно-практическое значение. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены задачи по «...внедрению научно-исследовательских работ в племенное дело, созданию кормовой базы в животноводстве». Исходя из этих задач особое научно-практическое значение приобретают раскрытие отличительных особенностей строения и роста шёрстного покрова каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа и морфо-биологических показателей, а также выявления характеристики и степени проявления наследственных признаков редких расцветок.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит решению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года “Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” и № УП-5853 от 23 октября 2019 года “Об утверждении стратегии, рассчитанной на 2020-2030 годы по

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП 4947 от 7 февраля 2017 года.

развитию сельского хозяйства Республики Узбекистан”, Президента Республики Узбекистан № ПП-2841 от 16 марта 2017 года “О дополнительных мерах по углублению экономических реформ в животноводстве”, № ПП–3603 от 14 марта 2018 года «О мерах ускоренного развития каракулеводческой отрасли», № ПП–4420 от 16 августа 2019 года «О мерах по комплексному развитию каракулеводческой отрасли», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на сохранение редкого генофонда был поднят не только как проблема глобального значения, но и как конкретная теоретическая основа по сохранению исчезающего генофонда пород сельскохозяйственных животных, осуществляемая в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе и в Научно-исследовательском Центре ГЕН и в лаборатории Галле (Германия), лаборатории Livestock Conservancy (США), Каракулеводческом союзе и Институте зоотехники (Намибия), Каракулеводческой научной лаборатории (Молдова), в Российском институте Общей генетики (Россия), Научно-исследовательском институте животноводства степных районов «Аскания-Нова» имени М.Ф.Иванова (Украина), сельскохозяйственном университете им. С.А. Ниязова (Туркменистан), ТОО Научно-исследовательском институте животноводства и кормопроизводства (Казахстан), сельскохозяйственном университете им. Шириншох Шотемура (Таджикистан), в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Узбекистан).

В результате проведённых исследований в мире по выявлению разнообразия овец каракульских пород и сохранению генофонда исчезающих пород сельскохозяйственных животных получен ряд научных результатов, в том числе: использован молекулярно-генетический метод, различные маркеры ДНК овец, были разработаны методы сохранения генофонда ценных и редких пород (в Российском институте общей генетики, Россия), рассмотрены вопросы сохранения генофонда пород домашних животных и причины уменьшения их качества (научно-исследовательский Центр ГЕН и лаборатория Галле, Германия), разработаны и анализированы методы сохранения генофонда пород животных, стоящих на грани счезновения (лаборатория Livestock Conservancy, США), разработаны методы проведения селекционно- племенных работ, изучена длина волосяного покрова завитков

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации www.vigg.ru, <http://www.g-e-h.de/index.htm>, <http://www.albc-usa.org/>, <https://uz.m.wikipedia.org>, <https://visualrian.ru.media>, www.Ovcevod.ru, <http://kazniizhik.kz/>, <https://asiaplustj.info.economic> анализированы на основе других научных источников.

и закономерности кожи, цвета при подборе, наследование окрасок и расцветок овец каракульской породы в результате скрещивания с местными овцами (Союз каракулеводоов, Намибия); в результате осеменения каракульских овец с племенными баранами романовской породы, с оригинальными расцветками, с каждой сотни животных были получены разношёрстные и плодовитые каракульские овцы, приносящие 150-160 ягнят (Научно-исследовательский институт животноводства степных районов «Аскания-Нова» имени М.Ф. Иванова, Украина), на территориях нового экологического разведения разработаны современные методы проведения селекционных работ с каракульскими овцами (Казахский научно-исследовательский институт животноводства и кормопроизводства, Казахстан).

В мире проводятся научно-исследовательские работы по улучшению и сохранению товарного качества сур шкурок и разнообразия овец каракульской породы, в том числе: обоснование эволюции происхождения каракульских овец, повышение продуктивности, раскрытие особенностей перехода наследственности расцветок и завитка каракульских шкурок, создание эффективных методов разведения и селекции каракульских овец, выявление особенностей кормления в различных экологических территориях и сохранение современных методов, разработанных по поддержанию их генофонда.

Степень изученности проблемы. В целях изучения биологических особенностей каракульских овец, исследования различных пород сельскохозяйственных животных были проведены широкомасштабные научно-исследовательские работы представителями науки в области каракулеводства СНГ: А.С. Серебровский (1928), Н.С. Гигинейшвили (1954), У. Сагдуллаев (1963), В.М. Юдин (1963), Б.Н. Васин (1971), А.А. Рахимов (1973), М.А. Кошевой (1975), В.И. Стояновская (1975), И.Н. Дьячков (1980), А.И. Ерохин (1981), Д.К. Беляев (1987), И.Г. Моисеева (1992), А. Ибрагимов (2000), Ю.П. Алтухов (2004), С.Р. Базаров (2004), М.И. Селионнова (2004), В.А. Тайшин (2004), Ю.А. Столповский (2009), С.Ю. Юсупов (2010), Н.А. Бобокулов (2011), Р.У. Турганбаев (2012), И.А. Паронян (2016), М.Ш. Исмаилов (2018) и другие.

Исследования в масштабе Центральной Азии были проведены В. Жилияковой (1981), У. Валиевым (1984), К. Ахмедовым (1986), К. Мухамедгалиевым (1986), Х. Укбаевым (2008), А. Омбаевым (2008), А. Ахмедшиевым (2008) и другими учёными. Они уделяли большое внимание проблемам генофонда, продуктивности овец, а также задачам, связанным с другими проблемами развития народного хозяйства.

Ряд исследований по каракулеводству в Узбекистане связан с деятельностью таких учёных как Н.С. Гигинейшвили (1954, 1970), А.С. Мурадов (1984), У.Х. Арипова (2017, 2018). Ими выведены различные расцветки овец Сурхандарьинского сура, достигнуты высокие показатели в области роста и развития, плодовитости и волосяного покрова.

Однако, полученные данные исследовательских работ не позволили в полном объеме сохранить породы редких и оригинальных овец и в первую очередь - сур, созданных селекционерами в течение многих лет, слава о которых широко известна на мировых пушно-меховых аукционах.

Таким образом, проблема сохранения, восстановления и размножения каракульского генофонда овец, в том числе животных ценнейшего овец сур Сурхандарьинского породного типа, а также коренное улучшение качества редких и оригинальных каракульских шкурок, разработка и совершенствование селекционных методов в хозяйстве и целенаправленное налаживание работы, имеет важное научно-практическое значение в сфере развития отрасли каракулеводства в Узбекистане.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках прикладного проекта №КХА-8-059-2015 по теме: «Разработка селекционно-генетических методов сохранения генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура» (2015–2017 гг.), по плану научно-исследовательских работ научно-исследовательского института Каракулеводства и экологии пустынь.

Цель исследования является определение научно-обоснованных селекционно-генетических методов анализа, сохранения и разведения генофонда редких и уникальных расцветок каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа.

Задачи исследования:

обосновать и охарактеризовать степень уникальных и ценных окрасок сур с учетом равномерности и перелива расцветки каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа;

определить содержание меланина и его свойств в волосяном покрове ягнят различных расцветок;

определить биологические и морфологические особенности сур каракульских овец разных расцветок;

определить биохимические показатели крови (ферменты, минеральные вещества и др.) каракульских овец сур разных расцветок;

обосновать степень наследования и характеризовать спаривание каракульских овец при гомогенном и гетерогенном вариантах редких и ценных расцветок сур Сурхандарьинского породного типа;

описать морфологические показатели шерсти и гистологическое строение кожи овец сур с разной расцветкой;

провести комплексный анализ экстерьера, роста и развития, продуктивности племенных ягнят, оставленных на выращивание, а также оценить качество и товарные особенности сур каракульских шкурок;

сохранение генофонда овец сур Сурхандарьинского породного типа, восстановление и воспроизводство стада редких расцветок, а также разработка селекционно-генетических методов повышения продуктивности овец и внедрение их в производство.

Объект исследования. В качестве объекта исследования были взяты образцы крови, кожи, шерсти и шкурки каракульских овец, отобранные племенные бараны и овцематки сур Сурхандарьинского породного типа.

Предметом исследования является рост, развитие и продуктивность каракульских племенных баранов и овцематок сур разных расцветок, их морфологических и биологических показателей, особенности волосяного покрова, товарные качества шкурок каракуля и шерстной продуктивности.

Методы исследования. В диссертации использованы общеприкладные, зоотехнические, биометрические, статистические и аналитические методы.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

впервые на основе породной структуры овец каракульской породы разработаны методы сохранения, восстановления и воспроизводства генофонда, исходя из требований мирового рынка пушнины, высокопродуктивных показателей для хозяйства, в частности, степени окраски шкурок ягнят сур Сурхандарьинского породного типа, их шелковистости и блеска. Разработаны новые усовершенствованные научно-практические и селекционно-генетические методы;

определены особенности различия в развитии и морфо-биологических показателях, строении шерстного покрова, продуктивности разных расцветок каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа;

определены биохимические показатели состава крови (ферменты, калий и др.) каракульских овец разного окраса и типа породы и их зависимость от выживаемости и жизнеспособности;

выявлены степень и характер передачи наследственных признаков редких и уникальных расцветок сур в связи с разными вариантами спаривания каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа;

впервые на основе эволюционного происхождения каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа разработаны практические и методические рекомендации по сохранению, восстановлению и воспроизводству генофонда овец редких и уникальных расцветок сур, системного селекционно-генетического метода их разведения и внедрены в производство.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

на основе комплексного изучения, имеющихся расцветок каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа, были определены основные селекционные признаки и показатели отбора животных, а также критерии их оценки;

разработаны селекционно-генетические методы сохранения, восстановления и воспроизводства генофонда овец сур Сурхандарьинского породного типа;

в целях восстановления ценной биологической продуктивности исчезающего и резко сокращающегося Сурхандарьинского сура выявлены особенности различия в строении шерстного покрова, росте и морфо-биологических показателях, а также особенности признаков редких

расцветок сур, качества продуктивности, зависящих от вариантов спаривания овец и биохимических показателей состава крови и связи их с жизнеспособностью животных.

Достоверность результатов исследования подтверждается использованием классических и современных методов, соответствием результатов, полученных на основе научных подходов и анализа теоретических данных, а также обосновывается опубликованием их в ведущих научных изданиях, признание научным сообществом в ходе выполнения государственных фундаментальных проектов, статистической обработкой полученных данных на основе современных программ (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014), утверждением и внедрением практических результатов, уполномоченными государственными и международными организациями.

Научная и практическая значимость результатов исследования.

Впервые в каракулеводстве научное значение результатов исследования, а также научно-исследовательские изыскания, проведённые в целях сохранения, восстановления и воспроизведения генофонда редких и уникальных расцветок овец сур Сурхандарьинского породного типа научно-исследовательские работы обосновываются разработкой селекционно-генетических методов сохранения и восстановления животных, которые находятся под угрозой уменьшения их числа или исчезновения.

Практическое значение результатов исследования заключается не только в каракулеводстве, но и в повышении комплексности и эффективности селекционно-племенных работ по сохранению и восстановлению генофонда всех видов животных, а также увеличению численности поголовья овец с повышением их продуктивности и жизнеспособности.

Внедрение результатов исследования. На основе полученных результатов по разработке селекционно-генетических методов сохранения генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура:

результаты, разработанные по улучшению качества сур каракульских шкурок, восстановлению и воспроизводству генофонда овец сур различных расцветок (бронза, платина, янтарь, антрацит), внедрены в практику ООО «Боботог сури коракулчилик» в фермерских хозяйствах: «Алимардон Ганишер», «Аллаберди Темурбек», «Хушбок Ориф» и «Эломон Хумоюн», специализирующихся на выведении суровых овец (справка Республиканского объединения «Каракулеводство» №39/01–232 от 24 декабря 2019 года). В результате, в 2019 году в выше приведенных хозяйствах общая рентабельность увеличилась на 20–35%, а качество шкурок элитного класса улучшилось на 35–65%;

комплексные селекционно-генетические методы по улучшению качества шкурок и расцветок сур внедрены в практику Специализированного хозяйства объединения «Каракулеводство» Сурхандарьинской области. (справка Республиканского объединения «Каракулеводство» №39/01–232 от 24 декабря 2019 года).

Это позволило восстановить расцветку сур, повысить качество шкурок и увеличить поголовье овец;

разработанные рекомендации по сохранению генофонда редких расцветок каракульских овец сур Сурхандарьинского породного типа внедрены в практику Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства (справка Государственного комитета ветеринарии и развития животноводства №02/23–615 от 25 декабря 2019 года). В результате дальнейшего развития отрасли удалось сохранить и восстановить генофонд каракульских овец, что позволило увеличить поголовье высокопродуктивных стад;

Апробация результатов исследования. Результаты данного исследования обсуждены на 9 международных и 8 республиканских научно-практических конференциях.

Опубликованность результатов исследования. По теме диссертации опубликовано 36 научных работ, из них 14 в республиканских и 3 в зарубежных журналах, 17 научных статей изданы в журналах, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций. Также опубликовано: 2 методических пособия и 1 рекомендация.

Структура и объем диссертации. Структура диссертации состоит из введения, шести глав, выводов, списка использованной литературы и приложений. Объем диссертации составляет 200 страниц.

ОСНОВНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ДИССЕРТАЦИИ

В вводной части диссертации изложены и обоснованы востребованность, актуальность исследования, характеризованы цели, задачи, объект и предмет исследования, соответствие приоритетным направлениям развития науки и технологии, а также обзор зарубежных научных исследований, степень изученности проблемы, связь диссертации с научно-исследовательским учреждением, где проводились исследования. Кроме того, приведены сведения о научном и практическом значении результатов исследования, внедрение их в производство, показана информация об опубликованных научных работах и структура диссертационной работы.

В первой главе диссертации **Обзор литературы. «Происхождение, разведение, биологические особенности и продуктивность овец каракульской породы»** подробно анализирована научная литература о происхождении каракульских овец, освещено современное состояние и перспективы развития каракулеводства, генофонда и методы его сохранения, пастбищные и климатические условия разведения каракульских овец, характеризуются селекционно-племенная работа в хозяйстве, биологические особенности и продуктивность каракульских овец, природа и особенности расцветок овец сур Сурхандарьинского породного типа. На основе соответствующей литературы приводится анализ научных источников.

Данная исследовательская работа впервые в Узбекистане посвящена научным основам, направленным на сохранение редких и ценных расцветок овец Сурхандарьинского сура, на разработку селекционно-генетических методов их восстановления.

В целях восстановления ценной биологической продуктивности, исчезающих и сокращающихся по количеству и качеству овец Сурхандарьинского сура проведены исследования по строению шерстного покрова, росту и морфо-биологическим показателям, связанными с особенностями различия, вариантами скрещивания, степенью передачи наследственных признаков редких и ценных расцветок сур, уровнями биохимического показателя состава крови (активность фермента, уровень калия) и изучение гистоморфологического строения кожи, связанных с продуктивностью животных и их жизнеспособностью.

Во второй главе **«Материалы и методы исследования селекционно-генетических основ сохранения генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура»** рассматриваются места исследования, схема, методы и приёмы, используемые в исследовании. Исследования проведены в 2005-2019 гг. в ООО «Боботог сури коракулчилик» Кумкурганского района Сурхандарьинской области.

Анализированы биологические значения ферментов, определены биохимические показатели и концентрация калия в крови, проведен цитогенетический анализ, применена методика гистологических параметров кожи и кожного покрова. Использована зоотехническая методика селекционно-племенной работы по сохранению и восстановлению генофонда овец сур Сурхандарьинского породного типа. Представлена эволюционная схема создания Сурхандарьинского сура и структура отбора.

Для определения концентрации калия в условиях выпаса из яремной вены подопытных овец в две пробирки были взяты образцы крови. Кровь в первой пробирке консервировали гепарином, а вторую, в целях получения сыворотки, опускали в водяную ванночку и содержали (инкубировали) при температуре 35⁰–36⁰С. Полученные сыворотки от этих пробирок переливали в другие пробирки, которые помещали в морозильник. Концентрацию калия в образцах крови выявляли методом интерполировки по показателям гальванометра в пламенном фотометре модели Цейсе-Йена–III. Анализ полученных образцов крови проведён по методике Н.С. Полуэктова (1967).

Ферментативная активность О-дифенолоксидазы определена по методике М.Т. Таранова (1954).

Активность арилэстеразы была выявлена в сыворотке крови животных по методике Е.М. Tucker, Y. Suzuki, C. Stormont (1967).

Для выявления активности пероксидазы в качестве субстрата был использован 0,02% раствор пирагаллола. В пробирку с арилэстеразой (фосфатный рН=7,4) был добавлен буферный раствор 4,7 мл, субстратная смесь 0,2 мл и сыворотки крови 0,1 мл.

Активность тирозин-аминотрансферазы выявлена в образцах мочи подопытных овец по методике Е.Ф. Давиденкова и И.С. Либерман (1975).

В процессе цитогенетического анализа использована костная ткань подопытных овец. С помощью иглы ИПЖ-I сделана пункция грудной кости и позвоночника и взята жидкость по 3-4 капли и помещены в пробирки, в которые добавлена краска Гимза.

При анализе хромосом животных подопытных групп было учтено количество хромосом. При цитогенетических анализах использованы микроскопы ОРТИКА В-190 и МВИ-15.

При определении гистологических показателей кожи методом биопсии у ягнят 1-2-х дневного возраста различных расцветок были взяты образцы в области средней части спины.

Гистологические образцы описаны по методике, разработанной Институтом морфологии животных имени А.А. Северцева АН РФ (Меркурьева, 1970). При этом определена толщина кожи и её слоёв (эпидермальная, полярная, ретикулярная), плотность (первичная, вторичная) и общее число фолликул на 1 мм².

Ягнята различных расцветок были индивидуально пробонитированы согласно «Инструкции по бонитировке каракульских ягнят с основами племенного дела» (2015).

Экстерьерные показатели: живая масса животных была определена с помощью электронных весов, промеры тела- измерены лентой, металлической линейкой и специальным циркулем.

Результаты опытных и лабораторных исследований обработаны вариационными статистическими методами. Данные статистически анализированы на основе программ (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014; statistical Paskadefor Sokial Scince).

Третья глава **«Оценка биологических особенностей каракульских овец разных окрасок и расцветок»** состоит из 2 разделов: в разделе **«Биологические особенности интерьерного характера»** освещено содержание, количество калия в крови, биохимические показатели крови и ее изменчивость в зависимости от возраста, внутривидовые особенности проявления ферментов в крови, наследование активности ферментов, биохимические показатели и их взаимосвязь с продуктивностью каракульских овец, гистоморфологическое строение кожи и ее особенности, толщина кожи и её слоев, цитогенетическом анализе хромосом каракульских овец;

в разделе **«Биологические особенности экстерьерного характера»** приводятся телосложение индексов каракульских овец, длина волосяного покрова и степень расцветок, выраженность и уравнированность расцветки, типы завитков и классность ягнят, размеры и рисунок расположения завитков, шелковистость и блеск волосяного покрова, наследования расцветок овец сур Сурхандарьинского породного типа, а также товарные особенности шкурки и шерстная продуктивность овец.

Концентрация калия в крови принимает участие в обеспечении равновесия водного обмена и кислотно-щелочного баланса, оказывает

положительное влияние на альтернативные и ферментативные процессы степени нормативности осмотического давления. Постоянство указанных процессов обеспечивается при помощи определённого соотношения катионов и анионов во внутренних и внешних жидкостях.

Особенно в обмене углеводов в организме роль калия очень велика. Во время образования гликогена в клетках с понижением количества калия в плазме крови интерстициальная жидкость уменьшается, а её количество в клетках увеличивается. Кроме этого выявлено, что без необходимого обеспечения организма калием нельзя построить белковые молекулы в матричной РНК.

Уровень концентрации калия связан с адаптацией животных в экстремальных условиях проживания, который играет важную роль в плодовитости овец. Результаты исследования концентрации калия в крови каракульских овец по окраске и происхождению представлены в таблице 1.

Таблица 1

Распределение и частота аллелей по низким и высоким уровням калия в крови каракульских овец

Окраска и расцветка	Учтено животных (голов)	НК -тип		ЛК - тип		Частота аллелей	
		n	M±m	n	M±m	K ^h	K ^L
Черная	104	77	148,5±2,57	27	59,5±3,72	0,872	0,128
Сур Бухарского типа	82	58	161,9±2,78	24	63,5±2,97	0,883	0,117
Сур Сурхандарьинского типа	122	89	131,0±1,71	33	64,3±2,11	0,815	0,185
Всего	308	224	147,1±2,35	84	62,4±2,93	0,856	0,144

Содержание калия в крови у 224 голов (72,9%) было высокое, а у 84 (27,1%) - низкое. Частота рецессивного аллеля в отобранной группе овец составляет K^h - 0,815–0,883, а доминирующий аллель K^L - 0,117–0,185.

Распределение разных уровней калия в крови подопытных групп животных варьируется в зависимости от рецессивного гена K^h частоты животных. Если частоту аллеля овец сур Сурхандарьинского породного типа считать за 100, тогда у черных овец- этот показатель составляет - 107,0 а у овец сур Бухарского типа - 108,3. Разница статистически достоверна (P <0,001).

Обмен веществ в процессе роста животных происходит с разной интенсивностью. В связи с этим степень биохимических показателей изменяется. Выявлена взаимосвязь активности ферментов в крови с возрастом, окраской и происхождением животных (таблица 2).

Таблица 2

**Изменение активности ферментов в сыворотке крови ягнят,
в зависимости от возраста (оп. ед.)**

Возраст животных	Окраска и расцветка	К-во (гол)	Пероксидаза	Тирозин-амино-трансфераза	О-дифенол оксидаза	Арил-эстераза
5-7 день	Чёрная	18	0,108±0,0008	0,167±0,011	4,014±0,36	0,509±0,030
	Сур Сурхандарь инского типа	18	0,063±0,003	0,125±0,007	2,69±0,12	0,411±0,027
	Сур Бухарского типа	18	0,092±0,002	0,140±0,012	3,64±0,36	0,439±0,020
2,0-2,5 месяца	Чёрная	17	0,208±0,006	0,350±0,028	3,69±0,21	0,473±0,030
	Сур Сурхандарь инского типа	16	0,179±0,07	0,327±0,018	3,33±0,11	0,500±0,031
	Сур Бухарского типа	15	0,198±0,003	0,508±0,024	3,63±0,15	0,576±0,020
4,0-4,5 месяца	Чёрная	17	0,243±0,009	0,421±0,027	3,11±0,21	0,548±0,020
	Сур Сурхандарь инского типа	16	0,271±0,008	0,475±0,011	3,41±0,18	0,526±0,020
	Сур Бухарского типа	15	0,217±0,008	0,565±0,036	3,24±0,19	0,535±0,010
18-18,5 месяцев	Чёрная	13	0,740±0,060	0,430±0,027	5,20±0,60	0,325±0,024
	Сур Сурхандарь инского типа	14	0,780±0,080	0,500±0,040	2,80±0,20	0,270±0,020
	Сур Бухарского типа	13	0,460±0,014	0,480±0,050	3,00±0,19	0,300±0,025

Как видно из таблицы, активность пероксидазы в крови животных возрастает с возрастом ($P < 0,05$). При этом значительных изменений О-дифенолоксидазы не наблюдалось, а различия по активности ферментов отмечались у новорожденных ягнят, влияя на окраску и происхождение.

Если брать активность тирозин-аминотрансферазы при рождении у овец сур Сурхандарьинского породного типа за 100%, то у сверстников черной окраски она составляла 33,6%, а у Бухарского сура - 12,0%.

В других возрастах в зависимости от цвета и происхождения в активности этого фермента существенных различий не наблюдалось, а по активности пероксидазы и О-дифенолоксидазы наблюдалась противоположная ситуация.

У ягнят чёрной окраски относительно своих сверстников в других группах активность была ($P < 0,05$) высокой. В остальных возрастных группах не наблюдалось существенных различий.

В исследованиях сыворотки крови подопытных животных по активности ферментов выявлены внутрипородные сходства и различия в пределах их расцветок (таблица 3).

Таблица 3

Внутрипородная изменчивость активности ферментов сыворотки крови у подопытных животных, ($M \pm m$)

Расцветка	Учтено животных (гол)	Пероксидаза (оп.б)	Аспартат-аминотрансфераза (Мк. моль)	0-дифенолоксидаза (оп.б)	Тирозин-аминотрансфераза (оп.б)
Бронзовая	48	0,250±0,027	83,35±3,41	12,04±0,99	0,496±0,047
Янтарная	52	0,270±0,018	87,33±2,99	8,50±0,84	0,565±0,036
